

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ ҲАКИМЖОН АБДУЛЛО ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on economic sciences**

Ҳақимов Ҳақимжон Абдулло ўғли

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг
молиявий механизмларини такомиллаштириш 3

Ҳақимов Ҳақимжон Абдулло ўғли

Совершенствование финансовых механизмов координации
макроэкономической политики в Узбекистане 25

Hakimov Hakimjon Abdullo ugli

Improving financial mechanisms of coordinating macroeconomic policy
in Uzbekistan..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ ҲАКИМЖОН АБДУЛЛО ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt459 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилади.

Илмий раҳбар: Эшов Мансур Пўлатович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Кузиева Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўгли
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» сентяври соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1033 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «4» сентяври кuni тарқатилади.
(2021 йил «4» сентяври даги 52 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий хотиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг барча мамлакатлари макроиқтисодий сиёсатининг бош мақсади иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Барқарорлаштириш чоралари эса пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги воситаларни қўллаш орқали амалга оширилмоқда. Бунда фискал ва монетар идораларнинг мазкур сиёсат воситаларини қўллашдаги пировард натижалари аксарият ҳолларда ўзаро зиддиятли бўлиб қолмоқда. «2010-2018 йилларда дунё марказий банкларининг тахминан 5-10 фоизи ҳар йили фискал идораларнинг аралашувига дуч келган, 39 фоиз мамлакатларда эса ҳеч бўлмаганда бир марта бу ҳодиса учраган. 2019 йилда эса дунё марказий банкларининг 14 фоизи ўз мамлакатларидаги фискал идоралар устунлиги билан тўкнашган. Аралашув, деярли ҳар доим пул-кредит сиёсатини юмшатиш учун амалга оширилган»¹. Бу эса глобал миқёсда нархлар даражаси ошиб боришига туртки берган. Глобал инқироз ва ундан кейинги шароитларда ушбу хавфнинг юқори даражада ўсиш эҳтимоли мавжуд.

Бугунги кунда жаҳонда пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати органлари ўртасида мувофиқлаштириш механизмига эҳтиёж макроиқтисодий сиёсатнинг исталган якуний мақсадларига эришиш учун зарур ҳисобланиб, макроиқтисодий сиёсат, шу жумладан фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, инқироз шароитида бунга эришиш инқироздан кейинги шароитларнинг барқарорлик касб этишига ҳам замин яратади. Мамлакатимизда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар юртимизда ушбу соҳада илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, пухта ўйланган ташқи қарз сиёсатини амалга ошириш, давлат ва маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш сингари чора-тадбирлар амалга оширилмоқда². Белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ва иқтисодиётнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш макроиқтисодий сиёсат чораларини мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич

¹Carola Conces Binder (2019). «Political Pressure on Central Banks», <http://econbrowser.com/archives/2019/07/guest-contribution-political-pressure-on-central-banks>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (www.lex.uz)

ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган макроиқтисодий, яъни фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Макроиқтисодий сиёсат, яъни фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш масалалари доимо хорижлик олимлар томонидан илмий изланишларнинг диққат марказида бўлган³. Жумладан, J.M.Keynes, T.J.Sargent, N.Wallace, R.Aiyagari, M.Gertler, A.Alesina, G.Tabellini, E.M.Leeper, C.A.Sims, M.Woodford, A.Dixit, L.Lambertini, V.A.Muscattelli, P.Tirelli, C.Trecroci, J.H.Cochrane, W.Cui, F.Bianchi, C.Ilut, E.I.Cevik, S.Dibooglu, A.M.Kutan, M.Kliem, A.Kriwoluzky, S.Sarferaz сингари хорижлик олимлар мазкур соҳада илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада И.И.Волков, С.В.Мищенко, С.Р.Моисеев, С.Э.Пекарский, М.А.Атаманчук, С.А.Мерзляков, О.А.Малаховская сингари олимлар⁴ илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий сиёсатида фискал ва монетар сиёсатни амалга ошириш борасидаги айрим масалалар А.Ш.Бекмуродов, Н.Х.Жумаев,

³Keynes, John M. The General Theory of Employment, Interest and Money // The Collected Writings of John Maynard Keynes. — Cambridge University Press, 2012. — Vol. VII. — 428 p.; Sargent, T.J., Wallace, N., 1981. Some unpleasant monetarist arithmetic. Fed. Reserve Bank Minneap. Q. Rev. 5, 1–17.; Aiyagari, R., Gertler, M., 1985. The backing of government debt and monetarism. J. Monetary Econ. 16, 19–44.; Alesina, A., Tabellini, G., 1987. Rules and discretion with noncoordinated monetary and fiscal policies. Econ. Inq. 25, 619–630.; Leeper, E.M., 1991. Equilibria under «active» and «passive» monetary and fiscal policies. J. Monetary Econ. 27, 129–147.; Sims, C.A., 1994. A simple model for study of the determination of the price level and the interaction of monetary and fiscal policy. Econ. Theor. 4, 381–399.; Woodford, M., 2001. Fiscal requirements of price stability. J. Money Credit Bank. 33, 669–728.; Dixit, A., Lambertini, L., 2003. Interactions of commitment and discretion in monetary and fiscal policies. Am. Econ. Rev. 93, 1522–1542.; Muscattelli, V.A., Tirelli, P., Trecroci, C., 2004. Fiscal and monetary policy interactions: empirical evidence and optimal policy using a structural New-Keynesian model. J. Macroecon. 26, 257–280.; Cochrane, J.H., 2011. Understanding policy in the great recession: some unpleasant fiscal arithmetic. Eur. Econ. Rev. 55, 2–30.; Cui, W., 2016. Monetary-fiscal interactions with endogenous liquidity frictions. Eur. Econ. Rev. 87, 1–25.; Bianchi, F., Ilut, C., 2017. Monetary/fiscal policy mix and agents' beliefs. Rev. Econ.Dynam. 26, 113–139.; Cevik, E.I., Dibooglu, S., Kutan, A.M., 2014. Monetary and fiscal policy interactions:evidence from emerging European economies. J. Comp. Econ. 42, 1079–1091.; Kliem, M., Kriwoluzky, A., Sarferaz, S., 2016. Monetary-fiscal policy interaction and fiscal inflation: a tale of three countries. Eur. Econ. Rev. 88, 158–184.

⁴Волков И.И. Макроэкономический анализ взаимодействия денежно-кредитной и бюджетной политики государства. – М.: Креативная экономика, 2017. – 264 с.; Мищенко С.В. Механизмы координации денежно-кредитной и налогово-бюджетной политики // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета, №2, 2012.; Моисеев С.Р. Макропруденциальная политика: цели, инструменты и применение в России. // Банковское дело. 2011. № 3. С. 28-34.; Пекарский С.Э., Атаманчук М.А., Мерзляков С.А. Стратегическое взаимодействие фискальной и монетарной политики в экспортно ориентированной экономике // Деньги и кредит, №2, 2010.; Малаховская О.А., Пекарский С.Э. Исследования причинно-следственных взаимосвязей в макроэкономике: нобелевская премия по экономике // Экономический журнал ВШЭ, 2012. – № 1. – С. 3-30.

О.Ш.Намозов, Т.И.Бобакулов, Н.М.Махмудов, Б.Б.Беркинов, Н.Х.Хайдаров, Т.С.Маликов, Ш.А.Тошматов, С.К.Худойкулов, А.У.Бурханов, М.П.Эшов, У.Ў.Пардаев, У.Ш.Дускобиллов, З.А.Джумаев, А.Т.Абсаламов ва бошқа олимлар⁵нинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, муаллифнинг фикрича, ҳозирги шароитда ноанъанавий пул-кредит сиёсатининг фискал сиёсат билан маълум боғлиқликда амал қилаётганига етарлича илмий баҳо берилмаган. Тадқиқотларга кўра, пул-кредит ва фискал сиёсат кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги бўйича эмпирик тадқиқотлар тор даражада амалга оширилган. Юқорида қайд этилган масалаларни мамлакатимиз иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш зарурати мавзунини танлашга асос сифатида хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154-сонли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳалари билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва унда молиявий механизмлардан фойдаланиш заруратини тадқиқ этиш орқали концептуал асосларни такомиллаштириш;

⁵Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари. //»Uzbridge» электрон журнали, 2019, №1.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2007й.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001г.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008й.; Махмудов Н. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини ошириш йўллари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДИУ. 2015 йил, 23-29 б.; Беркинов Б. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. Монография. – Т.: ТДИУ, 2011; Хайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007.; Тошматов Ш.А. Управление государственным долгом. Монография. – Т.: Чулпон, 2015; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019 й.; Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали, 2018, №4-5.; Эшов М.П. ва бошқалар. Макроиқтисодиёт. Услубий қўлланма. – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – 186 б.; Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. и.ф.б.ф.д. (Phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018 й.; Дускобиллов У.Ш. Иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш. и.ф.б.ф.д. (Phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2017 й.; Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: «Инновацион ривожланиш» нашриёт-матбаа уйи, 2018. – 300 бет.; Абсаламов А.Т. Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг такомиллаштириш. и.ф.б.ф.д. (Phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2020 й.

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда «бюджет қоидалари» ва «монетар қоидалар»дан фойдаланишнинг аҳамиятини илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражаси ва давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизиғини аниқлаш заруратини асослаш ва назарий-услубий жиҳатларини бойитиш;

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш амалиётини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизиғининг шаклланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражасини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг ташкилий-молиявий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсат кўрсаткичларини прогнозлашнинг замонавий моделлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлик кўрсаткичларини замонавий усуллар асосида ўрта муддатли прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий сиёсатининг фискал ва монетар сиёсат шаклларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ фаолият соҳалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизмларини шакллантириш, фискал ва монетар сиёсатни мувофиқликда амалга ошириш ва такомиллаштириш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, шунингдек, тизимли ёндашув, таркибий ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эмпирик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизми фискал ва монетар сиёсатни юритишнинг умумий воситалари, усуллари ва институционал тизимлари асосида такомиллаштирилган;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришни самарали ташкил этишда ҳаракатларнинг муайян чегарасини белгилашга йўналтирилган ва бу бўйича институционал тузилмаларга ўзаро коммуникация вазифасини бажарувчи «бюджет қоидаси» ва «монетар қоидалар» сингари молиявий механизмлар потенциал ва реал ўзгарувчиларнинг фарқидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

молиявий механизмнинг асосий омили сифатида Ўзбекистонда давлат қарзининг оптимал даражасини таъминлашга алоқадор келгуси макроиқтисодий кутилмалар тўғрисида маълумот берувчи қарз қимматли қоғозлари бўйича «даромадлилик эгри чизиғи»ни шакллантириш амалиётини такомиллаштириш таклиф этилган;

макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлик кўрсаткичларини таҳлил-прогнозлаш амалиёти «machine learning»нинг замонавий усуллари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

макроиқтисодий институтлар ўртасида доимий маълумотларни алмашиш ва иқтисодий сиёсат чораларини биргаликда ишлаб чиқиш тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат бюджети ва давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш мақсадида «бюджет қоидалари» ва «монетар қоидалар» элементларини жорий этишнинг методологик асослари бўйича илмий-амалий таклифлар келтирилган;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда институционал механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш кўрсаткичларини замонавий усуллар асосида прогнозлаш самарадорлигини ошириш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил натижаларининг иқтисодий-математик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш механизмларини ҳозирги замон талаблари ва иқтисодиётни либераллаштириш мақсадларига мос равишда такомиллаштириш, ривожлантириш ва бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш», «Макроиқтисодий сиёсат», «Фискал сиёсат», «Монетар сиёсат» ва «Макроиқтисодиёт» фанлари бўйича дарслик, ўқув дастурлари, ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш молиявий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизмининг фискал ва монетар сиёсатни юритишнинг умумий воситалари, усуллари ва институционал тизимлари асосида такомиллаштириш орқали тегишли йўналишларда тезкор чоралар кўриш тизимини йўлга қўйиш бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4796-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан тузилган «2020-2025 йилларда статистикани

ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 16 декабрдаги №01/1-03-17/2-84-сон маълумотномаси). Бу илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши Миллий ҳисоблар тизимининг тўлов баланси, давлат молияси статистикаси, пул-кредит ва молия статистикаси билан уйғунлашган ҳолда, ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам берган;

макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришни самарали ташкил этишда ҳаракатларнинг муайян чегарасини белгилашга йўналтирилган ва бу бўйича институционал тузилмаларга ўзаро коммуникация вазифасини бажарувчи «бюджет қондаси» ва «монетар қондалар» сингари молиявий механизмларни потенциал ва реал ўзгарувчиларнинг фарқидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлардан «Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2605-сон маълумотномаси). Тадқиқот иши натижалари «Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш» фани бўйича ўқув ва ишчи фан дастурларини такомиллаштириш ва таълим бериш сифатини оширишга хизмат қилган;

молиявий механизмнинг асосий омили сифатида Ўзбекистонда давлат қарзининг оптимал даражасини таъминлашга алоқадор келгуси макроиқтисодий кутилмалар тўғрисида маълумот берувчи қарз қимматли қоғозлари бўйича «даромадлилик эгри чизиғи»ни шакллантириш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлардан «Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2605-сон маълумотномаси). Тадқиқот иши натижалари «Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш» фани бўйича ўқув ва ишчи фан дастурларини такомиллаштириш ва таълим бериш сифатини оширишга хизмат қилган;

макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш амалиётини «machine learning»нинг замонавий усуллари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4796-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан тузилган «2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 16 декабрдаги 01/1-03-17/2-84-сон маълумотномаси). Бу илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, жамлаш, сифатини яхшилаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола (5 та маҳаллий ва 2 та хорижий нашрларда) ва 7 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва унда молиявий механизмлардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва унда молиявий механизмлардан фойдаланиш зарурати, макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда «бюджет қоидалари» ва «монетар қоидалар» дан фойдаланишнинг аҳамияти, макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражаси ва давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизиғини аниқлаш зарурати илмий-услубий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

Макроиктисодий назариядан маълумки, макроиктисодий сиёсатнинг икки хил шакли мавжуд: фискал сиёсат ва монетар сиёсат. Шу нуқтаи назардан, ташқи савдо, валюта, инвестиция сиёсати сингари иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишлари фискал ва монетар сиёсатнинг ҳосилалари, таркибий бўғинлари сифатида ўрганилади. Шу боис тадқиқотда ҳам макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тушунчаси билан бирга фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш тушунчаси ҳам кенг қўлланилади.

Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш иқтисодий сиёсат мақсадларига эришиш, жумладан иқтисодий ўсишни таъминлаш, нархлар барқарорлига эришиш ҳамда тўлов баланси мувозанатини таъминлаш учун зарур ҳисобланади.

Бюджет-солиқ сиёсати кўрсаткичлари пул-кредит сиёсати кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзгариши иқтисодий сиёсат самарадорлигига кескин таъсир кўрсатади. Жумладан:

давлат қарзи мамлакатдаги фоиз ставкаси, валюта курси ҳамда пул массаси билан мустаҳкам боғлиқликка эга;

солиқ юки ҳам ўз навбатида, савдо баланси динамикаси орқали валюта курси, шунингдек, пул массаси ҳамда фоиз ставкаси билан муайян алоқадорликка эга;



1-расм. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизми⁶

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

давлат харажатлари ҳам ялпи талаб томонидан пул массаси (пулга талаб орқали) ҳамда марказлашган инвестициялар орқали фоиз ставкаси, шунингдек, давлат қарзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар орқали валюта курси билан изчил боғлиқликка эга.

Шу боис ҳам макроиқтисодий сиёсат келишилганлиги ва ҳаракатлар муштараклигини таъминлаш зарур вазифа ҳисобланиб, бунда давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш асосий мувофиқлаштириш соҳаси ҳисобланади.

Мавжуд ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда муаллиф «макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш» тушунчасига ўз илмий таърифини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топди. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ҳукумат ва Марказий банк томонидан барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўлиқ бандлиги ҳамда барқарор нархлар даражасини таъминлаш мақсадида умумиқтисодий, фискал ва монетар сиёсатни биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг аниқ белгиланган тартиб-қоидалари, усул ва воситаларидан фойдаланиб амалга оширишдир.


Мазкур ёндашувдан келиб чиққан ҳолда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг назарий-услубий асосларини қуйидагича шакллантириш мумкин (1-расм).

1-расм маълумотларига кўра, фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш ўз механизмларига эга яхлит тизимли муносабатларни ифодалайди. Механизм ўз ичига мувофиқлаштириш соҳалари, усул ва воситаларини қамраб олган.

Мувофиқлаштириш соҳалари мақсадга мос равишда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инфляцияни пасайтириш, самарали қарз сиёсатини таъминлаш, бюджет дефицитини молиялаштириш ҳамда тўлов баланси тақчиллигини бошқариш ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш усул ва воситалари сифатида асосан бюджет ва монетар қоидалар хизмат қилади. Мувофиқлаштириш усулларига ҳукумат ва Марказий банк ҳамкорлигини таъминловчи тартиб-қоидалар, усул ва воситаларни аниқ белгилаш, мувофиқлаштириш бўйича ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ҳамда рискларни мониторинг қилиш мақсадида макропруденциал сиёсат ишлаб чиқиш чоралари киради.

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш зарурати мавжудлиги амалиётда яққол кўриниб турибди (2-расм). Иқтисодиётни рағбатлантириш чоралари мувозанатли макроиқтисодий шароитларда иқтисодий ўсиш суръатларининг қўшимча тезлашишида етарлича ўз аксини топмаётганлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, 2012-2016 йилларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми унинг патенциалидан юқори бўлган бўлса, 2017-2019 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ўз потенциалидан орқада қолган. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш тафовути тадқиқотларда сўнгги йилларда йиллик тафовут манфий бўлса-да, ушбу давр оралиғидаги, яъни чораклик ҳисоб-китобларда мусбат ишлаб чиқариш тафовути ҳам кузатилган.



2-расм. 2010–2019 йилларда ишлаб чиқариш потенциали ва амалдаги ишлаб чиқариш ҳажмлари ўртасидаги тафовут (Ходрик-Прескот фильтри)⁷

Бу ҳолат шундай изоҳаланадики, қисқа муддатли (чораклик) даврда ялпи талаб ялпи таклифдан юқори, оралик муддат(йиллик)да эса ялпи талаб ялпи таклифдан паст бўлиши кузатилган. Шу билан бирга, кузатувларга кўра, узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш тафовути (2010–2019 йиллар учун ўртача) минималлашиши қайд этилган. Шу билан бирга, муаллиф мазкур натижанинг ишончлилигини тасдиқлаш учун оператив (чораклик) маълумотларга эҳтиёж сезди. Чунки Ходрик-Прескот фильтри одатда қисқа давр оралиғига мослашган йирик кузатувлар сонига асосланади. Мазкур фильтрда эса кузатувлар сони оз, давр оралиғи эса узоқ муддатни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра, миллий ва хорижий амалиётни ҳисобга олиб, муаллиф макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш механизмларини куйидаги гуруҳларга ажратади:

ҳуқуқий механизмлар (ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш);

молиявий механизмлар (нархлар барқарорлигини таъминлаш чоралари, давлат (ички ва ташқи) қарзини самарали бошқариш билан боғлиқ чоралар);

иқтисодий механизмлар (иқтисодий маълумоларни алмашиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш).

Таъкидланганидек, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда «бюджет қоидалари» ва «монетар қоидалар» сингари молиявий механизмлардан фойдаланиш мумкин. Мазкур қоидалар англатадики, ҳар иккала сиёсат муайян молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга олдиндан аниқ белгиланган чеклов (чегара, меъёр) белгилайди. Натижада ҳар икки сиёсат идоралари бир-бирининг хатти-ҳаракати, мақсадли кўрсаткичлари ҳамда эҳтимолий хавфларнинг мумкин бўлган максимал даражаси тўғрисида аниқ

⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

тасаввур ҳамда ўзаро мақсадли кўрсаткичлар доирасида мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга бўлади.

Бюджет қоидасини жорий этиш фискал сиёсат самарадорлигини ошириш билан бирга бюджет дефицити ва давлат қарзи ҳақидаги маълумотлар бўйича Марказий банкка етарлича сигнал сифатида хизмат қилади ҳамда мамлакатда мувофиқлаштирилган фискал-монетар сиёсат юритишга кўмаклашади.

Таъкидлаш ўринлики, монетар сиёсат ҳам ўз хатти-ҳаракати ва мақсадли кўрсаткичлари бўйича фискал идораларни етарлича хабардор қилиши, жорий иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, оператив оқилона қарор қабул қилиши лозим. Бунда Марказий банкка «монетар қоида»лар керакли механизм сифатида хизмат қилади.


Тадқиқот жараёнида давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқаришда бюджет ва монетар қоидалардан фойдаланиш муайян афзалликларга эга эканлиги ойдинлашди. Шу билан бирга, давлат қарзлари бўйича чеклов қоидаларини белгилаш ҳамда давлат қарзини бошқаришда ташқи қарзлар билан бирга давлат ички қарзларини ҳам тартибга солиш бўйича давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизигини шакллантириш механизмларидан фойдаланиш самарали эканлиги хорижий тажрибалар ёрдамида асосланди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш молиявий механизмларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш амалиёти ва давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизигининг шаклланиш ҳолати таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражасини белгилаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича институционал асослар қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Уларда фискал ва монетар сиёсатнинг умумий ҳамда хусусий масалалари, ваколатли идораларнинг вазифа ва функциялари, идораларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларининг асосий йўналишлари белгиланган.

Тадқиқотлар амалиётда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқишга муайян эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, қонунчиликда пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси бир вақтнинг ўзида ҳам Марказий банк ҳам Ҳукумат ваколатига тааллуқли бўлиб, бу Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини юритишдаги мустақиллиги ва тегишли равишда жавобгарлигини чеклаши мумкин. Шу билан бирга, Марказий банк ҳамда ҳукумат ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятларни ҳал этиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан деярли белгиланмаган. Шу сабабли, амалдаги ҳолатда манфаатлар тўқнашуви кўпроқ ҳукумат томонга ён босади.

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича иқтисодий шарт-шароитларни таҳлил қилинса, инфляция суръатлари мамлакатдаги фоиз ставкаларини белгилашдаги муҳим индикатор эканлиги маълум.




3-расм. Ўзбекистон Республикасида реал фоиз ставкалари ўзгариши, %да⁸

Бироқ таҳлилларга кўра, амалдаги инфляция даражаси ва фоиз ставкалари ўртасидаги алоқдорлик банк тизими мустақиллиги ва молиявий эркинлигикни таъминлаш даражасида мувофиқлаштирилмаган. Хусусан, номинал фоиз ставкаси ва инфляция даражаси ўртасидаги фарқ сифатида реал фоиз ставкаси тадқиқ этилганда, Фишер формуласининг оддий ва модификациялашган шакли асосида ҳисобланган натижалар куйидаги хулосаларга олиб келди:

2010-2016 йилларда истеъмол нархлари индекси орқали ҳисобланган реал фоиз ставкаси ўртача 4,6 %ни ташкил этган бўлса, 2017-2019 йилларда мазкур кўрсаткич 2,3 ни ташкил этган. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда инфляция кўрсаткичини аниқлаш методикаси билан боғлиқ ҳисоблаш самараси ҳам мавжудлигини ҳисобга олиса, ўрганилган давр (2010-2019 йиллар) мобайнида реал фоиз ставкалари бозор қонуниятларига ҳали тўлиқ мослашмагани ойдинлашади;

фоиз ставкалари фақатгина истеъмол секторига эмас, балки миллий иқтисодиётнинг бутун бўғинига таъсир кўрсатишини инобатга олиб, реал фоиз ставкасини ЯИМ дефлятори орқали ҳам тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Таҳлилларга кўра, ЯИМ дефлятори орқали ҳисобланган реал фоиз ставкаси 2013, 2015, 2016 йиллардан ташқари барча йилларда манфий кўрсаткични ташкил этган. Демак, мамлакатдаги реал фоиз ставкаси бозор ставкаси сифатида шаклланмаган. Муаллифнинг фикрича, бунга, пул бозорининг етарлича ривожланмагани, имтиёзли кредитлаш ҳажми юқорилиги сезиларли таъсир кўрсатган. Бундан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда имтиёзли кредитлаш шароитлари ўзгарганига қарамай, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш шартлари имтиёзли кредитлашни ҳам бозор принципларига мослаштиришни талаб этади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



4-расм. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетининг ижроси, фоизда (+ профицит, - дефицит)⁹

Юқорида таъкидланганидек, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат бюджети ижроси муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Давлат бюджети ижроси кўрсаткичи нархлар даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатларига сезиларлича таъсир кўрсатади. Таҳлилларга эътибор қаратилса, Ўзбекистон Республикасида 2001-2004 йилларда давлат бюджети (мақсади жамғармаларни ҳисобга олмаганда) ЯИМга нисбатан ўртача -0,65 фоиз дефицит билан ижро этилган.

Мазкур йилларда дефицитни Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш амалиёти мавжуд бўлиб, нархлар даражаси юқори бўлиши кузатилган. Кейинчалик бюджет тақчиллигини Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш амалиёти (2003 йилдан) бекор қилиниб, вазият бирмунча барқарорлашади ҳамда 2005-2016 йилларда ЯИМга нисбатан ўртача +0,4 фоиз профицит билан ижро этилади. Бироқ бу йилларда банк тизими томонидан давлат дастурлари ва иқтисодиётни кенг кўламда имтиёзли кредитлаш амалиёти мавжуд бўлиб, аслида бюджет ортиқچалиги сунъий равишда юзага келтирилган деган тахминлар ҳам мавжуд. Яъни аксарият ҳолатларда маъмурий тўсиқлар орқали бюджет харажатлари прогноз кўрсаткичларидан кам, бюджет даромадлари эса прогноз кўрсаткичларидан юқори қилиб бажарилиши кузатилган.

2017 йилдан бошлаб, бюджет тизимидаги ислохотлар шаффофлик ва объективликни таъминлашга қаратилиши, қолаверса иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари тезлашуви сабабли давлат бюджети (мақсади жамғармаларни ҳисобга олмаганда) 2018 йилда ЯИМ га нисбатан – 1,5 %, 2019 йилда эса – 1,14 % дефицит билан ижро этилган. 2019 йил давлат бюджетига мақсадли жамғармаларни ҳам кўшиб ҳисобланганда Ўзбекистон Республикасининг Консолидациялашган бюджети ЯИМга нисбатан – 1,5 % тақчиллик билан ижро этилган. Мазкур тенденцияга иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш чораларининг оқибати сифатида қараб,

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

салбий баҳоланмасада, макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик талаб этилади.


Боиси, маълумки, давлат бюджети тақчиллиги дунё амалиётида асосан эмиссия, ички қарз ва ташқи қарз ҳисобига қопланиши кузатилган. Бу учала омил ҳам бевосита Марказий банк фаолияти билан боғлиқдир.

Ҳозирда Ўзбекистон қонунчилиги бўйича эмиссия ёки тўғридан-тўғри кредит бериш усули орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш билан боғлиқ чеклов мавжудлиги мазкур усул бўйича хавфлар мавжуд эмаслигини англатади. Бироқ ички ва ташқи қарз билан боғлиқ масалалар жуда долзарб ҳисобланиб, тадқиқотимизнинг кейинги қисмлари учун асос бўлади.

Давлат қарзларини бошқариш, шу жумладан давлат ички қарзларини тартибга солиш макроиктисодий сиёсатни мувофиқлаштириш соҳаларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат қимматли қоғозлари ва улар бўйича даромадлилик эгри чизиғи ҳукумат ва Марказий банк учун бозор механизми сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам давлат қимматли қоғозлари, жумладан давлат облигацияларининг даромадлилик даражасини баҳолаш, унинг даромадлилик даражасини баҳолашда даромадлилик эгри чизиғи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу эгри чизиқ нафақат мамлакат иқтисодиётини баҳолаш, балки потенциал инқирозларни аниқлашда ҳам қўлланилади. Яъни тескари кўринишдаги даромадлилик эгри чизиғи шаклланиши мамлакатда рессесия шаклланиши ёки яқин вақтлар давомида бундай инқироз бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи муҳим индикаторлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат қимматли қоғозлари учун даромадлилик эгри чизиғини шакллантириш орқали мамлакат пул-кредит сиёсатига баҳо бериш мумкин. Бунда кенг тарқалган усуллардан бири – Nelson-Siegel-Svensson моделидан фойдаланилади.



5-расм. Узоқ муддатда Ўзбекистонда даромадлилик эгри чизиғи¹⁰

Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларининг Nelson-Siegel-Svensson модели бўйича ҳисобланган даромадлилик эгри чизиғига эътибор қаратилса, бу чизиқнинг нормал кўринишга эга эканлигини кузатиш мумкин. Бу эса, ўз

¹⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида.

навбатида, мамлакатнинг ҳозирги кунда пул-кредит сиёсатида юритилаётган очик бозор сиёсати самарали эканлиги ва бозор иштирокчиларининг Марказий банк юритаётган сиёсатга ишончи мавжуд эканлигини кўрсатади.

Давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги эгри чизиғи давлат облигациялари муддати ва даромадлилик даражаси ўртасидаги боғланишни кўрсатади. Давлат облигациялари, одатда, мамлакатда энг риски кам қимматли қоғоз ҳисобланганлиги туфайли даромадлилик эгри чизиғига қараб бутун мамлакат иқтисодийнинг ҳолатига баҳо бериш мумкин. Бироқ миллий капитал бозори тўла ривожланишга улгурмаган экан, давлат ўз эҳтиёжлари учун зарур қийматни доим ҳам маҳаллий капитал бозоридан йиғиши мураккаб масаладир.

Муаллиф Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш давлат қарзларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан юқори чегарасини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бунда, давлат қарзларининг юқори чегараси мамлакат иқтисодий ривожланишини чекламайдиган даражада белгиланиши тамойилига амал қилинади.

Бу усул давлат қарзи иқтисодий ўсишга нисбатан маълум даражагача ижобий, ундан кейин эса салбий таъсир қилиши ғоясидан келиб чиқади. Яъни иккинчи даражали тенглама ҳосил бўлади¹¹:

$$grgdp = a_0 + a_1 \cdot td + a_2 \cdot td^2 + w + \varepsilon \quad (1)$$

Бунда:

$grgdp$ – номинал ЯИМ ўсиш суръати;

td – давлат қарзининг ЯИМга нисбати;

w – бошқа омиллар;

a_i – параметрлар;

ε – хатолик даражаси.

Бунда, $grgdp$ (ЯИМ ўсиши), td (давлат қарзи), ed (ташқи қарз), inv (инвестиция), tr_open (савдо очиклиги), Inf (инфляция) сингари кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Маълумотларнинг стационарлигини текшириш учун Augmented Dickey–Fuller тестидан¹² фойдаланилади. 2000-2018 йиллар учун юқоридаги омиллар текширилганда, бу динамик қаторлар стационар эканлиги (unit root мавжуд эмас) аниқланди.

Модель тузишда айнан шу кўрсаткичлар танланишига асосий сабаблар шундаки, мамлакатга киритилаётган инвестициялар, мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси, яъни экспорт ва импорт салоҳияти ҳамда мамлакатдаги нархлар даражаси давлат қарзлари даражасига таъсир кўрсатади. Шунингдек, давлат қарзининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашдан ташқари муаллиф айнан ташқи қарзнинг ЯИМга таъсирини ҳам ўрганиб чиқади. Шу билан бирга, давлат қарзи нафақат иқтисодий ҳолат, балки иқтисодий ҳолат ҳам давлат қарзи даражасига таъсир қилишини ҳам унутмаслик жоиз.

Жами кўрсаткичлар фоизда ҳисобланган. Мазкур кўрсаткичлар натижасида давлат қарзининг оптимал даражаси ҳисобланди.

¹¹ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

¹² Fuller, W. A. (2009). Introduction to statistical time series (Vol. 428). John Wiley & Sons.

Регрессия тенгласининг максимал нуқтасини топиш учун қарз даражаси бўйича биринчи даражали ҳосила олинганда мазкур кўрсаткичлар ёрдамида модель куйидагича кўринишга эга бўлади:

$$grgdp = 3.1452 + 2.81td - 0.37td^2 \quad (2)$$

Тенгламадан максимум нуқта, яъни ЯИМ ўсиш даражаси максимал бўладиган қарз даражасини топиш учун биринчи даражали ҳосилани ҳисоблаб, натижа 0 га тенглаштирилади.

$$\frac{d}{d(td)} grgdp = 2.81 - 0.74td = 0 \quad (3)$$

